

# Адабиёт — ўзликни англашга йўл: ОГАҲИЙ МЕРОСИ

*Тили ва адабиёти ўлмаган миллат яшайверади, деган гапларга эътирозимиз бўлмаса-да, ўз тақдирига бепарво миллат ҳаётбахш тили ва адабиётининг ўзини йўқликка маҳкум қилиши мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Мана шундай аҳамиятли масалага ҳукуратимиз томонидан, хусусан, кейинги даврларда алоҳида эътибор қаратилаётгани миллатнинг ҳар бир вакили қалбида шукроналик ҳиссини уйғотади.*

20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар жибонига ташриф буюрган Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучдан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз", деган сўзлари нафақат бугунги жараён учун, балки миллатнинг эртанги тақдирини, келажак учун ҳам дастурламал бўлиши лозим.

Ўзбек халқи дунёнинг барча халқларига ҳам насиб қилавермаган бежис маънавий меросга эга. Ана шундай салмоқли мероснинг муҳим бир қисми она тилимизда яратилган ҳамда ватандошларимиз қаламига мансуб жаҳон адабиётининг бебаҳо намуналари билан бўйлаша оладиган бадий адабиёт дурдоналаридир.

Ўзбек халқининг эмас, бутун туркийзабон миллатлар фахрланадиган, ижодидан баҳраманд даҳолардан бири, шубҳасиз, шоир, муаррих, таржимон Мухаммад Ризо Огаҳийдир. Огаҳий салмоқли лирик мероси жамланган "Ошиқ тумори" ("Таъвизу-л-ошиқ") дегонидан ташқари Шермуҳаммад Мунис қаламига мансуб "Жаннатлар боғи" ("Фирдавсу-л-иқбол")дек муҳташам асарни поёнига етказган ва Ўзи Хива хонлиги, моҳиятан Марказий Оснэ тарихига оид беш бебаҳо тарихий асар яратган муаррих, форс ва усмонли турк тилларидаги ўн тўққизта муҳим бадий ҳамда тарихий асарларни она тилига ўтирган таржимон сифатида Ўзбек адабиётини алоҳида макрмига эга шахсдир. Адабий, тарихий, таржима асарлари бадий қиммати баланглиги, тилимиз имкониятларидан кенг фойдаланганлиги, халқ манфаат топадиган иқтисодий-сиёсий фикрларга бойлиги, маънавий-тарбиявий аҳамиятининг бежислиги каби жиҳатлар Огаҳийнинг ҳақли равишда Алишер Навоийга энг муносиб издошлар орасида пешқадамлар сафига қўлади.

Тарихимизнинг қайси палласида катта ютуқлардан эришган, жаҳоннинг илгор халқларидан бирига айланган, "оламини маҳлиб айлаган", жуда бўлмаганда, бировнинг қўлига қарамаган

бўлсак, аждодлардан мерос ана шундай юксак маънавий мезонлар билан яшаган пайтимиз бўлган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳукуратимиз томонидан тил ва адабиётга, миллий меросимизга эътибор масаласи кун тартибига муҳимлигини йўқотмай тургани, тўғриси, бу масала доимий кун тартибига аканлигининг туб моҳияти ҳам шунда. Халқимиз, ҳукуратимиз шунинг учун ҳам бизга ана шундай шуқудли мерос қолдирган, ушбу маънавий хазинани бойитишга ҳисса қўшган ҳар бир бобокалонимизни қадрлайди, уларга муносиб ворис бўлишга интилади.

Бугунги кунда меросига ҳукурат даражасида алоҳида эътибор қаратилаётган даҳолардан бири, ўз таъбири билан айтганда, "шоир доню даврон", шу билан бирга, ҳар бир саҳифаси авлодларга ибрат дарси бўлган тарихий асарлар муаллифи, катта қўламдаги тарихий, бадий, ахлоқий асарлар таржимони, "Неча умрлар қўлнинг аҳли жоҳга хизмат, Тарк этиб они эмди фақр элига хизмат қил" дея халқ хизматида бел боғлаган давлат ва жамоат арбоби Мухаммад Ризо Огаҳийдир.

Мамлакатимизда кейинги йилларда Огаҳийни ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартдаги "Мухаммад Ризо Эрннбзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида қўлаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, мазкур қарорнинг 3<sup>с</sup>-бандига мувофиқ, 2019 — 2021 йилларда Огаҳий асарлари тўпламини нашр қилиш вазифаси белгиланган. Мазкур тарихий ҳужжатнинг қайд этилган банди ижроси сифатида бугунги кунга қадар мазкур силсиланинг 8 жилди "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан ҳар бири 1000 нуссадан нашрдан чиқди. Ушбу катта қўламини илнинг юзага чиқишида Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Хоразм Маълум академияси хизматлари катта бўлмоқда. Огаҳий ижод мактабига Шарқшунослик институти қўлазмалар фондида сақланадиган мутафаккирнинг ноёб дастхат қўлазмаларидан фотонусхалар тақдим



қилинди. Огаҳий ижод мактаби ўқувчиларига мутафаккир ижодининг бирламчи манбалари билан таништириш мақсадида институт ходимлари томонидан маҳорат дарслари ўтилди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, Огаҳий уй-музейи замонавий талаблар асосида реконструкция қилинди, шоирнинг қўлазмаларидан (муляж) тақдим этилди. Эндиликда Тошкент давлат шарқшунослик университети қошида "Огаҳийшунослар жамияти" ташкил қилиниб, шоир мероси тадқиқига тизимли равишда киришилмоқда.

Огаҳийни ўрганиш, тарғиб этиш, уни англашга интилиш, хуллас, Огаҳийдан огоҳлик топиш ботида қилинган ишлардан кўра қиладиган ишларимиз кўпроқ, Албатта, Огаҳийдек даҳолар бутун бир миллатнинггина эмас, умуманшар фарзандларидир. Лекин барибир, Огаҳийни ўрганиш, тарғиб қилиш, асарларини нашр этиш, хуллас, гоят кенг қўламдаги ишларини амалга ошириш масъулияти, асосан, биз ворислар зиммасида қолади.

Ватанимиз не-не даҳоларни тарбиялаб, воёга етказган. Огаҳийнинг биргина қуйидаги байтининг мағзини чақсак, биз гоҳ қадрлаб, гоҳ қадрини тўла англаб етмаётган Ватанимизнинг нақадар буюклигини англаймиз:

*Бу гулшан сайрин этсанг,  
босма густохон тўфроқим,  
Ки ҳар гом астида*

*бир лайқари озода мадфуғдур...*

Мамлакатимиз раҳбари жибонга ташрифи чоғида Ўзбек адабиётини жаҳонга танитиш топшириғини берди. Бу вазифани бажаришда нафақат ўзбек ва қардош халқлар, балки дунё адабиётини ўз ўрнига эга бўлган Мухаммад Ризо Огаҳий меросини чуқур ўрганишга бўлган эҳтиж ҳамisha сақланиб қолаверади.

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти,  
тарих фанлари доктори,  
профессор.